



Vebsayt: <https://involta.uz/>

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИНИ МЕТОДИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Тўрабоева Муқаддас Ёқубжановна

п.ф.ф.д (педагогика фанлари фалсафа доктори) (PhD) Наманган давлат университети Бошланғич таълимда ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: turaboyevam@mail.ru tel: +99899789-21-28

Аннотация: умумий ўрта таълим мактабларида она тили дарсларини таҳлил қилишнинг педагогик аҳамияти ва дидактик таҳлилга қўйилган методик талаблар ёритилган.

Калит сўзлар: Она тили дарслари, ўқитиш методлари, Ўқитувчига қўйилган талаблар, ўқитиш методлари, таълим методи, ўқув методи, таълимнинг мақсади, таълимнинг мазмуни, таълимни ташкил этишнинг шакллари, таълим манбалари, она тили дарси таҳлили, дарс кўргазмалилиги.

METHODICAL ANALYSIS OF MOTHER TONGUE LESSONS

Turaboeva Muqaddas Yakubjanovna

(Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences) (PhD) Namangan State University Senior Lecturer of the Department of Methods of Teaching Social Sciences in Primary Education

E-mail: turaboyevam@mail.ru tel: + 99899789-21-28

Annotation: The pedagogical significance of the analysis of mother tongue lessons in general secondary schools and the methodological requirements for didactic analysis are described.

Keywords: Mother tongue lessons, teaching methods, requirements for the teacher, teaching methods, teaching method, teaching method, purpose of education, content of education, forms of organization of education, sources of education, analysis of mother tongue lessons, lesson demonstration.

Она тили фаннинг ўқитиш тарихи бўлгани каби уни ўрганишга бағишланган дарсларни таҳлил қилишнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Дарсни таҳлил қилиш ҳам ўзига хос хусусият эга бўлиб, у мактаб маориф ривожини билан бирга камол топиб боради.

Маълумки, ўтмишда яшаб, ижод этган буюк маърифатпарварлар чех педагоги Ян Амос Коменский, рус педагогларидан В.П.Вахтеров, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, Н.К.Крупская, ўзбек педагогларидан Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний ва бошқалар мактабда фанларни ўқитишгина эмас, балки уни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳақида ҳам қимматли фикрларни баён этганлар.

Дарсни таҳлил этишга киришишдан олдин, дасрга киришнинг сабаби, мақсадини аниқлаб олиниши зарур. Бунда дарсни таҳлил этиш принципларидан хабардор бўлиши ҳам муҳим. Дарсни таҳлил қилишнинг принциплари аниқлаб олмай туриб, дарс таҳлили йўналишини белгилаш мумкин эмас.

Дарс таҳлил қилишнинг принциплари қуйидаги кўринишга эга:

1. Дарс маълум режа, график асосида ва аниқ мақсад билан таҳлил этилади;
2. Дарс таълим-тарбиявий жараён билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади;
3. Дарс таҳлил педагогика, психология, методикада қабул қирилган умумий қонун-қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади;
4. Таҳлилда дарс бажарилиши мумкин бўлган ишлар билан бажарилган ишлартаққосланиб, тегишли хулоса чиқарилади;
5. Таҳлилда мактабнинг ўқув моддий базаси, имконият, шароит, ўқув билими, ёши, синфдаги вазият ҳисобга олинади;
6. Дарс юзасидан хулоса чиқаришад шошмаслик педагогик-психологик шартлардан бири эканлигига амал қилинади;
7. Таҳлил вақтида дарсда йўл қуйилган хато ва камчиликлар шахсан ўқитувчиганинг ўзига эҳтиёткорлик билан айтилади;
8. Умумий йиғилишда дарснинг йиғилиш қатнашчиларига алоқадор бўлган жиҳатлари ҳақидаги фикр билдирилади.

Дарснинг ижобий томонларини аниқлаш ва мутаҳкамлаш, аниқланган илғор тажриба, усулларни кенг тарғибот қилиш, аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгилаш, педагогик методика соҳасида эришилган янгиликларни кенг оммалашитириш- дарсни таҳлил этувчининг асосий, шарафли бурчидир.

“Дарс бериш санъатдир. Бу санъатни эгалламоқ учун бир қанча усулларни қўлланиш йўлларини ўрганиб олиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, дарс бериш методикасини билиш керак.”

Профессор Мирза Исмоилович Маҳмудов методика назарияси ривожланишини уч босқичга бўлади, методларнинг тўрт турини қайд этади.

1. Таълим методи.
2. Ўқитиш методи.
3. Ўқув методи.
4. Айрим предметлар методи ва ҳар бир методни изоҳлайди.

У шундай деб ёзди: методнинг асосий мазмуни–ундаги фаолият ғоясидир. Методнинг муҳим белгиси шундан иборатки, у ҳамisha ҳаракатдаги шахсга тегишлидир, чунки субъектсиз ҳамда муайян ҳаракати билан боғлиқ бўлган методсиз фаолият бўлиши мумкин эмас.

Она тилининг дарс методларининг турларини таҳлил этишда муҳим ҳисобланган методлардан айримларини қуйида келтирамыз.

I. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ташкилий шаклларига кўра: 1) ҳикоя методи 2) ўқитувчининг баён этиш кўринишида 3) суҳбат методи.

II. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини енгиллаштиришга алоқадор манбалар асосида:

- 1) Радиоэшиттириш.
- 2) дарслик билан ишлаш.
- 3) Она тили дарсларида кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш, фанни ўқувчи атрофидаги муҳитни кузатиш, ҳар хил моделлар кўрсатиш;

Таълим тизимини методик жиҳатдан таҳлил этилганда қуйидагилар айниқса аҳамиятлидир:

- 1) таълимнинг мақсади;
- 2) таълимнинг мазмуни;
- 3) таълимни ташкил этишнинг шакллари;
- 4) таълим манбалари;
- 5) таълим методларига ўқитувчининг эътибор бериши.

Таълимнинг вазифаси илмий методни аста-секин ўзлаштиришдан иборат. Метод танлашда эса илғор методни аниқлай олиш ва уни ўзлаштиришасосий масаладир, чунки таълим мазмунидаги метод ҳаётнинг англашнинг қалби ҳисобланади. Айрим манбалар эскириши мумкин, лекин метод эскирмайди. У тажрибалар асосида ривожланиб боради. Айрим мактаб раҳбарлари, услубчилар ва назоратчилар бир дарсда бир қанча метод ва методик усулардан фойдаланаётган ўқитувчиларнинг дарслари ҳақида ижобий

хулосалар бермоқдалар. Масалан “бир дарсда ўндан ортиқ усулдан фойдаланди” , “Хилма хил усуллардан фойдаланганлиги учун ўз мақсадига тўла эришди” каби жумлалар “Дарс таҳлили дафтари” да кўзда ташланади.

Тадқиқот учун объект қилиб олинган 1099 “Дарс таҳлили дафтари” нинг 93 тасида дарсда қўлланилган методнинг синф учун, у ёки бу бу ўқув предметлари учун қанчалик фойдали бўлганлиги баён этилмаган ва шунингдек, ўқитувчининг дарс методнинг нотўғри танланганлиги туфайли муваффақиятсизликка учраганлигининг сабаблари қайд этилмаган. Дарс таҳлили дафтарига янги мавзуни суҳбат методида тушунтирди, савол-жавоб методида қайтарилди, ўқувчилар мустақил ишларни яхши бажардилар каби умумий гаплар ёзилаётганлиги аниқланди.

Маълумки, ҳар бир дарсда қўлланилган метод ўқувчи учун у ёки бу тушунчани билишга имкон яратибгина қолмасдан, балки мазкур тушунчаларни онгли ўзлаштиришнинг бирдан бир манбаи ҳам бўлиши зарур.

Дарсда ўқувчиларнинг кузатишлари, ўтказган тажрибалар ва шахсий хулосаси муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мактаб ўқув дастурлари ўқувчилардан кўпроқ мустақил иш бажаришни, ўқитувчидан эса билимларни асосан дарсда беришни талаб қилади.

Ўқитувчилар она тили дарсининг ҳар бири жонли мушоҳададан мавҳум тафаккурга, ундан амалиётга қараб бориши ўқувчиларнинг мавзуни онгли ўзлаштиришини таъминлайди. Шундагина ўқитувчи томонидан баён этилган ҳар бир сўзнинг мутлақ ҳақиқат эканлигини ўқувчи онгли равишда тан олади.

Тушунча ва билимларнинг тажриба асосида берилиши кўп жиҳатдан мавжуд шарт-шароитга ҳам боғлиқ.

Мактаблардаги она тилига йўналтирилган фан хоналари замонавий жиҳозланган. Ўрта мактаблардаги мавжуд ўқув ашёларидан мукамал фойдаланиш имконини бермоқда.

Биобарин дарсларни методик жиҳатдан таҳлил этишда, мактабдаги мавжуд имкониятлардан эътиборни кучайтиришни давр талаб этмоқда.

Ўқитувчи саволига ўқувчининг берган жавоби чуқур таҳлил этилади. Айрим ҳолларда, айрим мактаб раҳбарлари ўқитувчилар таълимнинг илмий асосда бўлишига етарлича эътибор бермайдилар. Фан хоналари ва бошқа имкониятлар мавжуд бўла туриб, дарслар қуруқ ваъзхонлик билан ўтказилади. Айрим ўқитувчилар дарсларда билимларни тажриба асосида ёки исботлаш йўли билан бермасдан оғзаки тушунтириш билан чегараланадилар, натижада ўқувчилар материални ўзлаштиришда қийинчиликларга учрайдилар.

Баъзан қоида ва таърифлар картонга жимжимадор ҳолда ёзилиб кўргазма сифатида дарсга олиб кирилади. Бундай кўргазмали қуроллар қонидани ёдлаш учунгина фойда беради, аммо у тушунча ва билимларнинг аниқ ҳақиқат эканлигини ўқувчи онгида тўлиқ шаклланишига ёрдам бермайди.

Шу боисдан ҳам таҳлил этувчи дарс методининг қимматини белгилашда дарсда қўлланилган методларнинг қуйидаги талабларга жавоб беришини инобатга олиши керак:

1. Тушунтиришнинг содда ва равлонлиги;
2. Тушунтириш учун қулай осон имкониятлардан фойдаланишиЖ
3. Ўқувчи ақлий фаолиятини фаоллаштирувчи воситалардан тўла фойдаланиши;
4. Дарслик материалларининг қўшимча материалларининг қўшимча материаллардан фойдаланишга ҳолда ўқувчи онгига етказилиши;
5. Ўқувчи эҳтиёжи ва талабанинг ҳисобга олиниши;
6. Мустақил ишнинг ўқувчи ёши, қобилиятига мос ҳолда уюштирилиши.

Дарс мақсади ва воситаларининг таҳлили, дарс таҳлиliga киришдан олдин ўқитувчининг дарс ишланмаси, унда акс эттирилган дарснинг мақсади ва дарсда қўлланиладиган зарур воситалар билан мукамал танишишдир. Масалан, ўқитувчининг мавзунини мустаҳкамлашда ўз олдига қўйган мақсади ва у мақсадни амалага ошириш учун қандай воситалардан, усуллардан фойдаланмоқчи эканлигини аниқланади.

Ўқитувчиларнинг дарсни мустаҳкамлашда ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширишда қўллайдиган усуллари тахминан, шулардан иборат бўлиши мумкин:

- 1.Ўқувчиларни ўрганилаётган воқеа ёки таърифни айнан ўзини такрорлай билишга ўргатиш ва шу йўл билан билимни мустаҳкамлаш.
- 2.Ўқувчининг шахсан ўзи ва бошқалар ҳаётидан, теварак-атрофдан мисол келтириш малакасини, фикрлаш қобилиятини ўстириш ва мустаҳкамлаш, шу йўл билан билимни мустаҳкамлаш.
3. Берилган билимлар асосида грамматик машқлар, машқларда берилган топшириқларни тўғри ва мукамал ҳал эта билишга эришиш.
- 4.Ўқувчиларда она тили фанини ўрганишда грамматик тушунчалардан фойдаланиш кўникмасини ўстириш.
5. Ўқувчиларда туғилган фикр ва мулоҳазаларни ўрганилган манбалар асосида ҳал қилиш, уларда масалани шу йўл билан ёритиш малакасини тараққий эттириш, мустаҳкамлаш.

Дарсда ўқитувчи қўлланган бу усуллар ва уларнинг самарадорлиги таҳлил вақтида қайд этилади.

Билимларни мустаҳкамлаш жараёнида таҳлил этилиши мутлақо зарур бўлган воситалар борки, улар қўйидагилардир:

1.Техника воситалари:

А)фақат проекция, соялар берувчи:

Б)проекция, соя ва овоз берувчи :

В)фақат овоз берувчи:

Г)доимий кўрсатмали қуроллар(плакат, турли расмлар, жадвал ва бошқалар)

2. Она тили дарсларида вақтли кўрсатмали қуроллар(ўқувчи дафтарига қўйилган белгилар, доскада кўрсатилагн турли ёзувлар ва бошқалар)

3. Дарслик матераиллари(грамматик машқлар, назорат ишлари ва бошқалар).

Она тили дарсларини таҳлил этувчи ўқитувчининг дарс жараёнида юқорида баён этилган воситаларнинг қайси туридан фойдаланганлигини, бу

тадбирининг билимларни мустаҳкамлашдаги самарасини ва фойдаланишда йўл қўйилган камчиликни тўла таҳлил этади ҳамда ўқитувчи билан мукамал суҳбатлашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.Мирзаев. Дарс таҳлили. Тошкент.—Б 65. 1985.